

8-1-2020

INTELLECTUAL PROPERTY INSURANCE: EXPERIENCE AND PROSPECTS

R. Sagdiyev

Treasury of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Sagdiyev, R. (2020) "INTELLECTUAL PROPERTY INSURANCE: EXPERIENCE AND PROSPECTS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 7.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Р.С.Сагдиев

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ СУҒУРТАЛАШ: ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛ

Мазкур мақолада дунёда кенг тарқалган интеллектуал мулк ва унга тегишли бўлган ҳуқуқларни суғурта қилиш механизмлари ва амалиёти таҳлил қилинган. Интеллектуал мулкнинг таснифланиши, ундан фойдаланиш ва муомалада бўлиш билан боғлиқ мулкий манфаатлар, шунингдек интеллектуал мулк рисклари аниқлаштирилди. Миллий суғурта хизматлари бозорида интеллектуал мулкни суғурта қилиш муаммолари ва сабаблари ўрганилди, ушбу суғурта турини ривожлантириш йўллари кўриб чиқилди.

Таянч сўз ва иборалар: суғурта, риск, интеллектуал мулк, мулкий манфаат, патент, жавобгарликни суғурталаш.

СТРАХОВАНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ: ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВА

В данной статье анализируются механизмы и практика страхования интеллектуальной собственности и права, которые широко распространены в мире. Были определены имущественные интересы, связанные с классификацией, использованием и обработкой интеллектуальной собственности, а также определены риски интеллектуальной собственности. Изучены проблемы и причины страхования интеллектуальной собственности на национальном рынке страховых услуг, рассмотрены пути развития этого вида страхования.

Ключевые слова: страхование, риск, интеллектуальная собственность, имущественный интерес, патент, страхование ответственности.

INTELLECTUAL PROPERTY INSURANCE: EXPERIENCE AND PROSPECTS

Annotation: This article analyzes the mechanisms and practices of intellectual property and law insurance, which are widespread in the world. The property interests related to the classification, use and processing of intellectual property were identified, as well as the identified risks of intellectual property. The problems and causes of intellectual property insurance in the national market of insurance services are studied, ways of development of this type of insurance are considered.

Key words: insurance, risk, intellectual property, property interest, patent, liability insurance.

Кириш

Замонавий шароитда билим, тажриба ва энг янги технологиялар интеллектуал капитални алоҳида корхона сифатида намоён этади, улар мамлакат ривожланишининг асосий манбаларидан бири саналади.

Жаҳон иқтисодий ўсишининг тўртдан уч қисми илмий ва техникавий тараққиётга боғлиқдир. Ривожланган бозорларда (АҚШ, Япония, Европа

иттифоқи мамлакатлари) интеллектуал мулк соҳаси иқтисодий ривожланишнинг асосий потенциали сифатида қаралади.

Интеллектуал мулк фан, техника, иқтисодиёт соҳаларида устуворликни таъминлайди ва кўп жиҳатдан мамлакатнинг халқаро меҳнат муносабатлари таксимотидаги ўрнини белгилайди.

Интеллектуал мулк савдосининг халқаро ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларига ва давлатга тегишли интеллектуал мулкларидан ноқонуний фойдаланиш улар фаолиятида катта йўқотишларни келтириб чиқармоқда. Ҳуқуқий ҳимоя ҳар доим ҳам иштирокчиларнинг манфаатларини таъминлай олмайди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг етарли даражадаги ҳимояси йўқлиги уни яратишни иқтисодий жиҳатдан самарасиз қилиб қўяди. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, назорат ва жазо чораларини кучайтириш кутилганидек самарани бермаяпти. Бозор шароитида иқтисодий ҳимоя усуллари биринчи ўринга чиқади ва улардан бири бу ривожланган суғурта тизимидир.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Кўпгина мамлакатлар учун интеллектуал мулк соҳаси иқтисодий ривожланишнинг асосий имкониятларидан биридир. Бугунки кунда жаҳон иқтисодиёти ўсишининг катта қисми илмий ва техникавий тараққиётга асосланган. Бунда интеллектуал мулк халқаро савдоси ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. Интеллектуал мулкдан ноқонуний фойдаланиш натижасида давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар катта йўқотишларга дуч келмоқдалар. Шу муносабат билан етказилаган зарар қоплаш масаласи бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Бунда давлатнинг мажбурлаш чораларини кучайтириш иккинчи даражага чиқади, сифат жиҳатдан янги чоралар ва усулларга эҳтиёж пайдо бўлади. Бундай вазиятда интеллектуал мулк эгаларини келажақда мумкин бўлган йўқотишлардан самарали ҳимоя қилиш шакли сифатида суғурта механизмларини жорий этиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Интеллектуал мулкни суғурта қилиш – бу интеллектуал фаолият натижаларини яратиш, ундан фойдаланиш ёки муомалада бўлиш, шунингдек интеллектуал мулк бозорида маслаҳат ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ суғурта турларининг тўплами тушинилади. Таъкидлаш жоизки, интеллектуал мулкни суғурталаш – бу молиявий рискларни, жавобгарликни суғурталаш ва баъзи ҳолларда шахсий суғурта турларини ўз ичига олган кенг қамровли суғурта тури ҳисобланади [1].

Интеллектуал мулкни суғурталашда суғурта объекти сифатида интеллектуал фаолият натижаларини амалга ошириш ва тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган фаолиятдан кўриладиган зарарлар, яъни рисклар ҳисобланади [2].

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини рақобатчиларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш учун мулк эгалари (инвесторлар) улар томонидан етказилиши

мумкин бўлган зарарларни қоплайдиган суғурта полисларини сотиб олишни энг самарали усул сифатида эътироф этишади [3, 4].

Хорижий амалиётда интеллектуал мулк суғуртасини суғурталаш бўйича суғурта полисининг уч тури кенг тарқалган [5].

1. Даствлабки суғурта қамрови (First party coverage (IP Value Insurance)). Суғурта шартларига мувофиқ суғурталанувчига унга тегишли бўлган интеллектуал мулкга тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир қилиш натижасида даромадларининг камайган қисми қоплаб берилади [6]. Суғурта полиси юридик харажатларни, адвокатларнинг тўловларини, лицензия бўйича тўловлар ва компенсация тўловларни ўз ичига олади. Ушбу суғурта полиси худудий чекловларга эга, у фақат АҚШдаги суғурталанувчилар манфаатларини қамраб олади [7].

2. Суғурталанувчининг патент ҳуқуқларини бузилиш ҳолатларидан суғурта қилиш (IP Abatement coverage) [8]. Ушбу суғурта полиси суғурталанувчининг патент ҳуқуқлари, савдо белгилари, лицензиялари ва бошқа муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланиш ҳуқуқлари бузилган тақдирда суд харажатлари ва бошқа харажатлари қопланади.

3. Суғурталанувчи томонидан учинчи шахсларнинг патент ҳуқуқларини тўсатдан бузиш ҳолатларидан суғурта қилиш (IP Defense Cost) [9].

Ҳуқуқий харажатларни қоплаш инновацион бозорнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бўлди ва бундай иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш ҳам инновацион ечимларни талаб этади.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги кунда замонавий бизнес учта таркибий қисм бўйича шаклланади, булар моддий капитал, молиявий капитал ва интеллектуал капитал. Турли мамлакатларда ушбу таркибий қисмларнинг улуши турлича, лекин дунёнинг етакчи мамлакатларида бугунги кунда бизнес қийматидаги интеллектуал капиталнинг ўртача қиймати 60-90% фоизини ташкил этмоқда.

Инновацион фаолиятга асосланган бизнес ҳар доим интеллектуал капитал асосида шакллантирилади, у инсон капитали (билим, тажриба, кўникма, малака ва қобилият) шаклида, шунингдек у шахсдан ажратиб олинган ижодий натижаларга бўлган ҳуқуқлар интеллектуал мулк шаклида намоён бўлади.

Интеллектуал мулк шартли жамоавий атама сифатида ўз ичига адабий, бадий, санъат асарлари, илмий тадқиқотлар, ихтиролар ва бошқалар билан боғлиқ ҳуқуқларни ўз ичига олади.

Ҳуқуқ сифатида интеллектуал мулк таркибига *муаллиф ҳуқуқлари* ва *турдош ҳуқуқлар* киради.

Муаллиф ҳуқуқларига қўйдагилар иборат:

– Муаллифлик ҳуқуқи фуқароларнинг санъат, фан ва бошқаларнинг муаллифи деб номланиш ҳуқуқи, агар ушбу асар унинг шахсий ижодий иши билан яратилган бўлса;

– номга бўлган ҳуқуқ, яъни яратилган асарга муаллиф номини бериш ҳуқуқи;

– нашр этиш ҳуқуқи – муаллифнинг ўз асарини нашр этиш ёки сақлаш ҳуқуқи;

– асарнинг дахлсизлик ҳуқуқи, бунда ҳеч ким муаллиф асарини ўзгартириши ёки бузиб кўрсатишига ҳаққи йўқлиги, сабаби бу унинг обрўсига путур етказиши мумкин.

Интеллектуал мулк объектларига турдош ҳуқуқ – бу уни ишлатиш билан боғлиқ, яъни муаллиф ушбу ҳуқуқдан ўзи фойдаланади ёки бошқа шахсга фойдаланиш ҳуқуқини беради ёхуд уни тақиқлайди.

Интеллектуал меҳнат натижаларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ барча масалалар мутлоқ ҳуқуқ билан боғлиқ.

Қўйидаги 1-расмда интеллектуал мулк соҳасидаги *мутлоқ ҳуқуқлар* таркиби келтирилган.



1-расм. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг таснифи [10]

Биринчи ҳуқуқлар гуруҳига муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар киради


Муаллифлик ҳуқуқи – шахсий номулкий (маънавий) ва мулкий ҳуқуқларга бўлинади. Номулкий ҳуқуқларга қўйидагилар киради: муаллифлик ҳуқуқи, номга бўлган ҳуқуқ, ошкор қилиш ҳуқуқи, обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи. Мулкий ҳуқуқларга кўпайтириш ҳуқуқи, тарқатиш ҳуқуқи (сотиш, ижарага бериш ва бошқалар), омма олдида намоёиш қилиш ёки ижро этиш ҳуқуқи ва бошқалар киради.

Турдош ҳуқуқлар – муаллифлик ҳуқуқини амалга оширувчилар ҳуқуқи, яъни ижрочилар, ишлаб чиқарувчилар, кўрсатув ташкилотчилари ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ўзида ифода этади. Қоидага кўра улар ҳуқуқларнинг икки гуруҳини ўз ичига олади: бирламчи эгалик ҳуқуқи (муаллиф ҳуқуқи) ва иккиламчи (ижро ҳуқуқи) эгалик ҳуқуқлари.

Турдош ҳуқуқларнинг иккинчи асосий гуруҳи бу интеллектуал саноат мулклари, яъни бу ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган интеллектуал фаолият натижалари бўлган ҳуқуқ, шунингдек қонун билан ҳимоя қилинадиган рамзлар ва белгаларга бўлган ҳуқуқлар киради. Бу анъанавий равишда ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, савдо белгиларини ўз ичига олади. Ноанъанавий бўлган интеллектуал мулк объектлари ҳам (“ноу-хау”) мавжуд.

Интеллектуал мулк объектларининг амалга оширилиши билан боғлиқ рискларнинг хусусияти интеллектуал меҳнатининг ўзига хос хусусияти, шунингдек интеллектуал меҳнат маҳсулотининг товар шакли билан белгиланади. Интеллектуал мулк бу интеллектуал фаолиятнинг натижаси эмас, балки ушбу натижаларга нисбатан алоҳида ҳуқуқларга эгалик қилишни ифодалайди. Бунда рискларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: муаллифлик ҳуқуқи ва турдош (аралаш) ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ рисклар; интеллектуал саноат мулклари ҳимоя қилиш билан боғлиқ рисклар;

Амалдаги интеллектуал мулк ҳуқуқининг таснифи интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш жараёнида муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг мулкрий манфаатларини шакллантиришга имкон беради (2-расм).



2-расм. Интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ мулкрий манфаат турлари¹

Инновацион тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда интеллектуал мулкдан фойдаланиш жараёнларида суд билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Бунда иштирокчиларга ўз ҳуқуқларини

¹ Илмий адабиётлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди

ҳимоя қилиш учун қутилмаганда харажатлар (маслаҳатлар, суд харажатлари, жарималар) пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундай харажатлар интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш жараёнида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Интеллектуал мулк объектларини суғурталаш – бу интеллектуал мулк объектларини маълум пул маблағлари (суғурта мукофоти) эвазига ихтисослашган ташкилотга (суғурта компаниясига) ўтказиш орқали уларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган рискларни минималлаштиришнинг иқтисодий усулидир.

Интеллектуал мулкнинг ҳар бир объектига хос бўлган рисклар тўплами мавжуд (3-расм).



3-расм. Интеллектуал мулк суғуртасида суғурта рисклари²

² Муаллиф томонидан тайёрланган.

Интеллектуал мулкни суғурталаш энг қийин жараён суғурта тариф ставкасини (суғурта мукофотини) аниқлашдир, сабаби у суғурта ҳодисаси рўй беришининг метематик эҳтимоли ва олдинги даврлар статистикасига асосланади. Миллий суғурта компанияларида бундай статистика ҳали мавжуд эмас, шунинг учун интеллектуал мулкни суғурталаш алоҳида эҳтиёткорлик билан амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларнинг бу борадаги амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, интеллектуал мулк соҳасидаги суғурта суд жараёнлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун кўпроқ талаб қилинади. Шунингдек қўйидаги икки турдаги шартномлар кенг тарқалган:

1. “Патент ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш”. Ушбу шартнома орқали суғурталанувчининг интеллектуал мулкка бўлган алоҳида ҳуқуқларини бузган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ юридик харажатларни қоплайди, жумладан:

- Даъво кўзғатиш харажатлари;
- қарши даъво ва патентнинг яроқсизлиги тўғрисидаги даъволар юзага келгандаги харажатлар;
- патент экспертизаси харажатлари;
- даъвони тасдиқлаш учун патентни қайта тасдиқлаш харажатлари.

2. “Патент ҳуқуқларини ҳимоя қилиш харажатларини қоплаш”. Ушбу шартнома суғурталанувчиларни учинчи шахсларнинг интеллектуал мулкка бўлган алоҳида ҳуқуқлари бузилган тақдирда суғурта ҳимояси тақдим этилади. Бунда суғурталанувчиларни судда ҳимоя қилиш харажатлари, суд қарорларини ижро қилиш ёки даъволарни судга бўлган жараёнда ҳал қилиш харажатлари қоплаб бериледи.

Маҳаллий ва хорижий суғурта компаниялари ҳали ҳам интеллектуал мулкни суғурталаш учун суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишда биринчи қадамларни қўйишмоқда. Бироқ ишонч билан айтиш мумкинки, улар фаолиятининг ушбу ўйналиши истикболли, чунки бу жамиятнинг инновацион ривожланиши билан белгиланади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда сўнги ўн йил ичида интеллектуал мулкни яратиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ рискларни суғурталаш бироз ривожланди, аммо ҳали-ҳанузгача ривожланиш йўлини топа олмаяпти. Ҳозирги кунда интеллектуал мулк суғуртасининг ривожланишига ҳалақит берадиган бир қатор омиллар мавжуд. Асосий омиллар сифатида қўйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин, интеллектуал мулк институтининг лозим даражада ривожланмаганлиги, бундай суғурта хизматларига оммавий талабнинг йўқлиги, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ва натижада суғурта компанияларининг янги суғурта турларини жорий этишдаги иштиёқларининг йўқлиги. Миллий суғурта бозорида интеллектуал мулк суғуртасини талабчан суғурта турига айлантириш учун ҳеч бўлганда юқоридаги омилларнинг таъсирини камайтириш керак. Бунинг учун биринчи навбатда қўйигиларни амалга ошириш лозим, жумладан:

– Интеллектуал мулк институтини давлат томонидан қўллаб-қуватлаш ва ривожлантириш, шу жумладан суд тизими ва бу борадаги ҳуқуқий ҳимояни такомиллаштириш;

– муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузувчиларга қарши фаол курашиш;

– тармоқ қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш;

– ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини соддалаштириш;

– инновацион бизнес учун қўлай солиқ муҳитини яратиш;

– илмий муассасалар ва илмий марказлар фаолиятини молиялаштиришни жонлантириш.

Бундай фаолият натижасида интеллектуал мулкни суғурталашнинг келажаги суғурта бозори иштирокчиларининг ўзига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда интеллектуал мулкни суғурталашни амалга ошириш учун услубий база мавжуд ва етарлича ривожланган. Суғурта бозорининг ушбу сегментини ривожлантириш учун молия ва меҳнат ресурслари, суғурта соҳаси ва интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислар ва институтлар, мустақил баҳоловчиларнинг ўзаро муносабатлари, шунингдек давлат органлари ва суғурта бозорининг барча субъектлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бахматов С. А. Кайгородцева Ю.В. Страхование предпринимательских рисков: основные виды и их особенности в современных условиях / С. А. Бахматов, Ю. В. Кайгородцева // *Baikal Research Journal*. – 2015. – Т. 6, № 4. – DOI : 10.17150/2411-6262.2015.6(4).1.

2. Цыганов А.А. Современные тенденции развития страхового обеспечения прав интеллектуальной собственности в россии и мировая практика страхования. *Финансы и кредит*. № 13 (589) – 2014. – С. 27-37.

3. Fancher J.D. How insuarance can reduce intellectual property risks. *National Underwriter Property & Casualty Risk & Benefits*, 1997, vol. 101, iss. 8, pp. 9–11.

4. Славянов А.С., Хрусталёв Е.Ю., Хрусталёв О.Е. Рисковые ситуации при формировании и реализации инновационных проектов создания наукоемкой ракетно-космической техники // *Аудит и финансовый анализ*. 2016. № 2. С. 367–373.

5. Betterley R.S. Intellectual Property and Media Liability. *Insurance Market Survey* – 2016. The Betterley Report. URL: http://betterley.com/ipims16_nt.pdf.

6. O'Connor E.F. Intellectual Property Law and Litigation: Practical and Irreverent Insights. American Bar Association, 2009, 311 p.

7. Taplin R. Risk Management and Innovation in Japan, Britain and the United States. New York, Routledge, 2005, 177 p.

8. Gauntlett D. IP Attorney's Handbook for Insurance Coverage in Intellectual Property Disputes. ABA Books Publishing, 2nd edition, 2014, 604 p.

9. Bryer L.G., Lebson S.J., Asbell M.D. Intellectual Property Strategies for the 21st Century Corporation: A Shift in Strategic and Financial Management. John Wiley & Sons, Hoboken, New Jersey, 2011, 322 p.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 03/19/542/3177-сон 24.05.2019 й.)